

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

*Абодбой Қиличбоев,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг бош мутахассиси*

Ахборот соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича олга сурилган миллий моделнинг устивор йўналишларидан биридир. Ушбу жараёнда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунни жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги 3987-сонли «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси нормаларининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилди.

Ҳуқуқий эксперимент натижалари бўйича Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 11 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 10 апрелда маъқулланган. Президент томонидан 5 май куни тасдиқланиб, 6 май куни қонуний кучга кирган.

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Асосий вазифалари:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш.

24 моддадан иборат бўлган Қонун сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Қонунда (11 модда) оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумот олиш тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш):

- ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш;

- ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

- ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

- очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

- ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш.

Қонунинг 15 моддасида Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг

фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши белгилаб қўйилган. Бу эса, ахборот-кутубхона муассасалари ва архивларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан бирга улар мавқеининг кўтарилишига ҳам ёрдам беради.

Бунда юридик ва жисмоний шахсларга яна бир қулайлик ахборотларни 3 та жойдан ахборот-кутубхона марказидан, архивдан ёки Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ўзидан олиш имконияти пайдо бўлди.

Шундай экан Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қуйидаги маълумотлари:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

- ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

- давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

- жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

- амалга оширилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

- ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

- очиқ танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

- бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

- очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби ахборот-кутубхона марказларига тақдим этилади.

Ушбу маълумотларни ахборот-кутубхона марказларига ва архив фондларига тақдим этишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ» ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома «Ўзархив» агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Миллий кутубхона билан келишилди. Ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун киритилди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»га кўра Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан календарь йили тугагандан сўнг ўтган ҳисобот йили даврига оид фаолияти тўғрисидаги ахборотлар акс эттирилган ҳужжатлар жамланиб, ра-

қамлаштиришдан ўтказилиб, тасдиқланган ахборотлар рўйхатига мос равишда номланган электрон жилдларга жойлаштирилиб, тегишли ҳисобот йили кўрсатилган умумий электрон жилдга жамланади ва CD-дискларга ёзилади.

CD-дискларнинг нусхаси тегишли ахборот-кутубхона муассасасига ва тегишли давлат архивига янги календар йилининг 31 январигача тақдим этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг ўзида ҳам нусхаси қолади ва ахборот хизматида 5 йилгача муддат мобайнида сақланади.

Тегишли ахборот-кутубхона ва архив муассасаси томонидан тақдим этилаётган электрон нусхаларнинг компьютерда акс эттирилиши имконияти бирма-бир текшириб чиқилади ва унинг натижаси бўйича 2 нусхада солиштирма далолатнома тузилади. Солиштирма далолатноманинг бир нусхаси тегишли ахборот-кутубхона ва архив муассасасида, 2-нусхаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига қайтарилади.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаси тақдим қилинган ҳужжатларнинг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ва Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг йиғма базаси, Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архивида ҳудудий базаси шакллантирилади.

2015 йил 9 ноябрдан 13 ноябргача Қонуннинг Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганилди.

Ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги айрим камчилик ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Қонунни тегишли муассаса ва ташкилотлар ходимларининг етарли даражада ўрганмаганлиги;

«Фуқаро мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун билан алмаштирилиш ҳолатларининг мавжудлиги;

Аксарият жойларда аҳолининг ахборотлардан фойдаланиши учун ҳамма кириши мумкин бўлган жойларда хоналарнинг ташкил этилмаганлиги аниқланди.

Аниқланган камчиликлар ва муаммолар бўйича Олий Маж-

лис қонунчилик палатасида тегишли вазирликлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди ва таклиф тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу қонун аҳолининг барча даражадаги давлат ҳокимияти идоралари фаолияти ҳақида ахборот олишга шароит яратиб беришига хизмат қилади. Шу билан биргаликда, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб беришини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиради.